

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАЖОНОВ ЗОКИРЖОН АҲМАДЖОНОВИЧ**

**ЎХШАТИШ АСОСИДАГИ ШЕЪРИЙ САЊАТЛАРНИНГ  
НАЗАРИЙ ТАВСИФИ ВА ТАСНИФИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**  
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Мамажонов Зокиржон Аҳмаджонович**

Ўхшатиш асосидаги шеърини санъатларнинг  
назарий тавсифи ва таснифи ..... 3

**Мамаджонов Зокиржон Аҳмаджанович**

Теоретическое описание и классификация фигур  
сравнения..... 21

**Mamajonov Zokirjon Akhmadjonovich**

Theoretical description and classification of poetic skills related  
to comparison ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 46

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАЖОНОВ ЗОКИРЖОН АҲМАДЖОНОВИЧ**

**ЎХШАТИШ АСОСИДАГИ ШЕЪРИЙ САЊАТЛАРНИНГ  
НАЗАРИЙ ТАВСИФИ ВА ТАСНИФИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1PhD/Fil31 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tai.uz](http://www.tai.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Раҳмонов Насимхон Асқарович</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Очилов Эргаш Зокирович</b> филология фанлари номзоди
<b>Етакчи ташкилот:</b>	Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit.@uzsci.net.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Назаров**  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, академик

**Р.Баракаев**  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, филол.ф.н.

**Н.Ф.Каримов**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида Шарқ мумтоз шеъриятига хос бадиият масалаларини тадқиқ қилиш, хусусан, шеърини санъатларнинг тадрижий такомилани аниқлаш, адабий-назарий тафаккурнинг тарихий тараққиётини ўрганиш, ўхшатишнинг образлиликни юзага келтириши ва бадиий тасвир воситалари тизимидаги аҳамиятини очиб бериш борасида амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим назарий аҳамиятга эга.

Мустақилликка эришилгандан сўнг мумтоз адабиётимиз намояндалари, хусусан, Навоий, Лутфий, Бобур, Огаҳий каби шоирлар ижодини миллий, маданий, адабий қадриятларимизни тиклаш манфаатлари нуқтаи назаридан ўрганишга, улар ижодига ҳаққоний баҳо беришга, мумтоз шеърятга хос ифода тарзи, тасвир имкониятларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор берилди. Буни кейинги пайтларда мумтоз шеърятни, аждодларимиз адабий меросини халқимиз, хусусан, ёш авлод орасида тарғиб қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам тасдиқлайди. Зеро, “бадиий адабиёт, сўз санъати инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган қудратли воситадир”<sup>1</sup>. Бинобарин, шеър бадииятини белгилаб берувчи шеърини санъатларни илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиш ва бу орқали мумтоз шеърятга ўзбек халқининг маънавий қадриятлари билан боғлиқ ҳолда баҳо бериш ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммоларидан биридир. Бу борадаги ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон адабиётшунослигида, хусусан, Шарқ адабиётшунослигида мумтоз бадиият масалалари билан алоқадор қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, уларда шеърини санъатларнинг таърифлари ва таснифидаги ноаниқликларни бартараф этиш масаласи алоҳида илмий муаммо сифатида махсус ўрганилмаган. Ушбу ноаниқликлар ва муайян санъатнинг у ёки бу гуруҳга мансублигини белгилашдаги тафовутлар уларни ўрганишда ҳар хилликлар туғдираётгани айни тафовутларни бартараф этиш, мавзуга оид қарашларни умумий маҳражга келтириш, масалани бутунлай янгича ёндашув асосида, ягона тамойилга таянган ҳолда қайта кўриб чиқиш заруратини пайдо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 83.

ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳукукий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида асар бадииятини ўрганиш борасида кўп изланишлар олиб борилган. Шарқда араб, форс шеърятти асосидаги Наср бинни Ҳасаннинг “Маҳосин ул-калом”, Ибн ал-Мўътазнинг “Китоб ул-бадеъ”, Қудамма ибн Жаъфарнинг “Нақд-уш-шеър”, Умар Родуёнийнинг “Таржимон ул-балоға”, Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сехр”, Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” каби асарлари, айниқса, Атоуллоҳ Хусайнийнинг “Бадойибу-с-санойиъ” асари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган бўлса, Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарини поэтикага оид туркий тилда яратилган илк муҳим манба сифатида эътироф этиш лозим. XX аср бошида А.Саъдийнинг “Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари”, Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” асарлари, Шайхзоданинг қатор мақолалари яратилди. Ё.Исҳоқовнинг “Навоий поэтикаси”да шеърини санъатлар ҳақидаги қарашлар тартибга солинди ва 70-йиллардаги туркум мақолалари янги аср бошида алоҳида китоб ҳолида икки марта нашр этилди.<sup>1</sup> Шунингдек, шеърини санъатлар ҳақида қўлланма ва мақолалар<sup>2</sup>, мавзуга оид бир қатор илмий тадқиқотлар чоп этилди<sup>3</sup>.

Диссертацияда ўзбек ва чет эл адабиётшуносларининг ушбу тадқиқотларига таянилди, зарурият даражасида фойдаланилди. Мазкур тадқиқот шеърини санъатлар янги мезон асосида илк бор таснифланганлиги, образлиликнинг юзага келиши ва шеърини санъатлар тизимида ўхшатишнинг ўрни алоҳида ўрганилгани, ўхшатиш асосидаги шеърини санъатларнинг структуравий ва функционал хусусиятлари таҳлил қилингани, муаммо бугунги

---

<sup>1</sup> Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Зарқалам, 2006; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги (тўлдирилган ва тузатилган 2-нашри). – Т.: Ўзбекистон, 2014.

<sup>2</sup> Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т., 1979; Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малохати. – Т., 1999; Ҳожиаҳмедов А. Шеърини санъатлар ва мумтоз қофия. – Т., 1998; Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? – Т., 1999; Ҳожиаҳмедов А. Огаҳий даҳосининг олмос қирралари. – Т., 1999; Ҳожиаҳмедов А. Хусни таълил санъати. – Т., 2008; Ражабова Б. Тамсил санъати. – Т., 2002; Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Т., 1996; Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. – Т., 1999; Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Т., 2001; Асаллаев А., Раҳмонов В., Мусурмонқулов Ф. Бадиий санъат жозибаси. – Т., 2005; Ҳамидов З. Навоий бадиий санъатлари. – Т., 2001; Расулов Т. Истиора // Ўзбек тили ва адабиёти, 1967. – №1; Саримсоқов Б. Сажъ // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971. – №2; Муродий Т. Истиора // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. – №6; Улуков Н., Баятова Д. Бобур шеъряттида лисоний такрор билан боғлиқ шеърини санъатлар // Тил ва адабиёт таълими, 2000. – №6; Аъзамов А. Назмнинг еттинчи осмони // Жаҳон адабиёти, 2004. – №2; Раҳмонов В. Мунисининг бадиий мўъжизаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. – №5; Раҳмонов В. Алишер Навоийнинг бадиий мўъжизаси // Тил ва адабиёт таълими, 2005. – №5; Болтабоев Ҳ. Бадиий санъатлар талқини // Шарқ мумтоз поэтикаси. – Т., 2006.

<sup>3</sup> Ражабова Б.Т. Ўзбек классик шеъряттида тамсил санъати Филол. фан. номз... дисс. – Т., 1996; Афокова Н.М. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. Филол. фан. номз... дисс. – Т., 1997; Муллаҳўжаева К. Алишер Навоий ғазалиёттида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида). Филол. фан. номз... дисс. автореферати. – Т., 2005.

адабиётшунослик ютуқлари асосида тадқиқ этилгани билан аввал амалга оширилган ишлардан фарқ қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Андижон давлат университети филология факультети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда ОТ-А1-46 «Адабиётшуносликнинг назарий курслари бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш» (2017 – 2018 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўхшатишнинг мумтоз шеъриятга хос образли тафаккур ва бадиий санъатлар тизимидаги ўрнини аниқлаш ҳамда ўхшатиш асосидаги шеърий санъатларнинг структуравий ва функционал хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мумтоз шеърий санъатларнинг таърифи ва таснифидаги чалкашликлар ҳамда фарқларни аниқлаб, уларни юзага келтирган омилларни очиқ бериш;

ўхшатишнинг шеърий санъатлар тизимида образлиликни юзага келтирувчи асос эканини исботлаш;

ўхшатиш асосидаги шеърий санъатларнинг структураси ва функцияларини аниқлаш;

ўхшатиш асосидаги шеърий санъатларга хос эстетик таъсир ўтказишнинг психологик механизмларини очиқ бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Навоий, Хоразмий, Атоий, Лутфий, Бобур, Сўфи Оллоёр, Нодира, Огаҳий шеърлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни мумтоз поэтика масалалари, хусусан, шеърий санъатлар ҳақидаги манбаларни ўрганиш ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида таснифлаш, тарихий-қиёсий, психологик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

шеърий санъатларнинг анъанавий таърифи ва таснифидаги фарқларни юзага келтирган омиллар аниқланган;

шеърий санъатларни юзага келиш асосига кўра таснифлаш зарурати исботланган;

мумтоз шеъриятга хос образли тафаккурда ўхшатишнинг ўрни ва аҳамияти очиқ берилган;

ташбихнинг структуравий хусусиятлари, уни турларга ажратиш тамойиллари белгиланган;

ўхшатиш асосидаги санъатларнинг ташбих турлари билан кесишган нуқталари аниқланган;

ўхшатиш асосидаги шеърий санъатларнинг функционал хусусиятлари очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бадиий санъатларнинг назарий тавсифларини тартиблаш, уларни ҳозирги назарий тафаккур нуқтаи назаридан юзага келиш асосига кўра таснифлаш; образли ифоданинг асоси бўлган ўхшатишнинг бадиий мулоқотда информация етказиш, информацияга ҳиссий муносабатни

ифодалаш, ўқувчига муайян таъсир ўтказиш мақсадларига бирдек хизмат қилишини далиллаш; ташбих турларини структурал ва функционал таҳлил қилиш адабиёт тарихи, адабиёт назарияси каби фанлардан яратилажак дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

Ўхшатишнинг образлиликни юзага келтиришда ва шеърий санъатлар тизимидаги ўрнини ҳамда ўхшатиш асосидаги санъатларни структуравий ва функционал тадқиқ қилиш бугунги кунда ёш авлод дунёқараши, тафаккурини шакллантиришда ҳамда жамиятнинг ахлоқий-эстетик ва маънавий-маърифий тақомилида муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг илмий ва бадиий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар тарихий-қиёсий, баъзи ўринларда тавсифий, таҳлилий методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда чиқарилган назарий хулосалар мумтоз шеърийят поэтикаси ҳақидаги тасаввурларни чуқурлаштириб, бир тизимга солиши, шеърий санъатларнинг янгича тамойил асосида амалга оширилган таснифи мавжуд назарий қарашларни тартибга солиши билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан мавзуга оид тадқиқотлар яратишда, мақола ва диссертация-ларда, таълим тизимида, хусусан, мактабда адабий-назарий маълумотлар беришда, олий таълимда адабиёт тарихи, мумтоз поэтика асослари, адабиётшунослик назарияси фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шеърий санъатларни назарий таснифлаш, уларда ўхшатишнинг ўрни, ўхшатишни структуравий ва функционал таҳлил қилиш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

ФА-Ф1-Г040 “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир” номли фундаментал тадқиқот лойиҳасида ҳамда ФА-Ф1-Г039 “Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида (ФТАнинг 2016 йил 14 декабрдаги ФТК-03-13/904 маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада адабий таъсир муаммоларига муносабатда асар структураси ва поэтикасига дахлдор барча компонентларнинг узвий уйғунлигига асосланган ҳолда хулосалар чиқаришга, Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ маълумотларни жамлаш, уларни кенг оммага яқиндан таништириш, “Алишер Навоий” (2 жилдлик) қомуси сўзлигини бойитишга эришилган.

Анджон вилоят телерадиокомпаниясининг (19.10.2016. 20-21/90-маълумотнома) Навоий ва Бобур ижодига бағишланган қатор кўрсатув ва радиоэшиттиришларда уларнинг шеърийати диссертацияда ўрганилган *ташбих, истиора, тамсил, лафф ва наир, талмеҳ, ирсол ул-масал* каби

шеърий санъатларга боғланган ҳолда таҳлиллар қилинган. Натижада кўрсатув ва эшиттиришлар савиясини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, 1 та луғат (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг ҳажми 151 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**“Мумтоз шеърий санъатларни ўрганиш муаммолари”** номли биринчи бобда шеърий санъатларнинг назарий тавсифи ва таснифи бўйича манбалардаги тафовутлар таҳлил қилиниб, улар юзага келиш асосига кўра таснифланган. Маълумки, ҳозирда шеърий санъатларни ўрганишга қизиқиш ортди: илмий тадқиқотлар, мақола, қўлланма ва луғатлар яратилди, айти масала адабий таълим ўқув дастурларидан кенг ўрин олди. Бироқ мавжуд қарашларда яқдиллик йўқ, сезиларли тафовутлар кузатилади.

Мумтоз шеъриятдаги бадиий санъатлар сони мавжуд адабиётларда ҳар хил берилган. Бунинг омиллари қуйидагилар: Атоуллоҳ Хусайний балоғат илми умуман нутқни, бадеъ илми эса нутқ безакларини ўрганишини таъкидлайди. Яъни умуман нутқ билан бадиий нутқ, демакки, балоғат ва бадиъ илмлари ҳам ўзаро бутун-қисм муносабатида. Бироқ “Бадойиъу-с-санойиъ”да умуман нутққа хос усуллар ҳам кўп ҳолларда бадиий санъат сифатида талқин этилади. Масалага бугунги кўз билан қараган олимлар эса китобларига фақат “бадиий санъат” атамасига мосларини киритганлари боис, биринчидан, эски манбалардаги кўп санъатлар бу гуруҳга кирмайди; иккинчидан, ҳар бир муаллифнинг ўз қараши борки, китоблардаги санъатлар сони ва таркиби фарқли. Санъатларни номлаш (*интоқ – ниқто, талмиъ – муламмаъ*), ҳозирги ёзувда ифодалаш (*тажохули ориф – тажохул-ул-ориф*) ҳам ҳар хил. Айниқса, уларнинг таърифларидаги фарқлар жиддий масала.

Масалан, *муқобала* ва *тазодни* А.Ҳожаҳмедов бир хил таърифлаб, бир хил мисол келтиради. В.Раҳмонов уларни фарқлагандек бўлса-да, унинг таърифи мумтоз манбаларга мос эмас. Ҳусайний *муқобалага* “Мифтоҳу-л-булум”даги таърифни келтиради: “икки ёки андин ортиқ мувофиқ ва аларга зид, яъни муқобил ниманинг зикрин жамъ қилурсен”<sup>1</sup>. Бунда гап икки ё ундан ортиқ *тазодни* шунчаки “қаторлаштириб, саф торгтириб қаршилантириш” (В.Раҳмонов) ҳақида эмас: аввал икки ёки ундан ортиқ мувофиқ (маънода таносубдаги каби мос) сўзни келтириш, сўнг маънода бу сўзларга зид бўлган икки ёки ундан ортиқ мувофиқни қарши қўйиш шарт қилинмоқда. Замондош олимлар эса *муқобала* ва *тазодни* фарқламаган.

Бобда В.Раҳмоновнинг “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали 2004 йил 5-сонидаги “Муниснинг бадий мўъжизаси” мақоласи таҳлили орқали асар бадииятини унда ишлатилган санъатлар сони эмас, сифати – санъат қай даражадаги эстетик юкни ташиётгани, шоирнинг ҳис-туйғу, ўй-фикрларини ёрқин, таъсирли ифодалашга қай даражада хизмат қилаётгани белгилаши асосланди. Бизнингча, мақолада шу жиҳатга эътибор қаратилмаган.

Санъатларнинг ҳар бири маълум қоида асосида юзага келса-да, уларнинг ҳаммаси бир мақсадга – бадий асарни баркамол этиш, мазмунни гўзал ва таъсирчан ифодалашга хизмат қилади. Санъатларнинг таърифлари ҳақидаги мулоҳазалар уларни қайта таснифлаш муҳимлиги ҳақида тасаввур беради. Лафзий ва маънавий санъатлар илк бор “Бадойиъу-с-санойиъ”да ажратилди: “нутқ гўзалликлари уч қисм билан чекланур ул жиҳаттинким, ҳар гўзаллик ё фақат лафз гўзаллигидур, ё фақат маъно гўзаллигидур ёхуд лафзу маъно йиғиндисининг гўзаллигидур”(34). Бу анъана ҳозир ҳам, деярли, сақланган. Бироқ “ё фақат лафз гўзаллигидур, ё фақат маъно гўзаллигидур” деган фикр ўта баҳсли бўлгани учун адабиётларда бир шеърий санъатни у ёки бу гуруҳга мансуб этишда ҳам фарқлар бор. Лафзий ва маънавий санъатларга берилган таърифларда улар фарқлангандек бўлса ҳам, амалда ундай эмас.

Бугунги олимлар тасниф масаласига ҳозирги адабий-назарий тафаккур даражасидан туриб қарайди. Шу боис Т.Бобоев: “шеърий тил бадииятини уч гуруҳ (троплар, санъатлар, фигуралар)га ажратиб ўрганиш”<sup>2</sup>ни лозим топади ва шеър санъатларини алоҳида бобга чиқариб, анъанавий уч гуруҳга ажратади. Лекин “Шеърий нутқ троплари” бобида *ўхшатиш*, *жонлантириш* *метафора* кўчим сифатида изоҳлангани боис “Шеърий санъатлар” бобида *ташбеҳ*, *ташхис*, *истиора* кирмаган. Т.Бобоев санъатларни ўрганиш билан боғлиқ муаммони тўғри белгиласа-да, масалани методик томондан кўргани учун унинг ўқитишга мосланган таснифи ҳам таълимий аспектда амалга ошган. Ўқитишда қулай бўлса ҳам, бу тасниф назарий жиҳатдан тўғри эмас.

---

<sup>1</sup> Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу с-санойиъ: Форс тилидан. А.Рустамов таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 231 (бундан кейин шу манбадан кўчирма олинганида қавс ичида саҳифа рақами кўрсатилади).

<sup>2</sup> Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 198.

Ўзбек адабиётшунослигида санъатларнинг замонавий назарий тафаккур асосидаги илк таснифи “Навоий поэтикаси”да амалга оширилди.<sup>1</sup> Муаллиф “Навоий лирикасида ишлатилган асосий санъатларни, шеърий матн доирасидаги функцияси билан боғлиқ характери назарда тутиб” 10 гуруҳга ажратади ва мазкур тасниф “шартли”лигини, “икки юзга яқин поэтик усулни бир неча гуруҳга жамлаш имкондан ташқари”<sup>2</sup> эканини эътироф этади. Модомики, Т.Бобоев *таълимий*, Ё.Исҳоқов *тадқиқий* зарурат сабаб таснифга қўл урган эканлар, демак масаланинг долзарблиги изоҳ талаб қилмайди.

Ё.Исҳоқовдан сўнг такрор асосидаги санъатлар, қофия санъатлари, ҳарфий санъатлар кабиларнинг ажратилгани<sup>3</sup> шеърий санъатларни янгича таснифлашга эҳтиёж ҳамон юқорилигини кўрсатади. Ё.Исҳоқовнинг бадиий санъатларни таснифлашда биз учун бошланғич нуқта вазифасини ўтайдиган таснифи санъатларни тартибга солгандек бўлса-да, унинг ягона тамойилга асосланмагани ҳам кўзга ташланади. Олим санъатларни “шеърий текст доирасидаги функцияси билан боғлиқ характери назарда тутган ҳолда” таснифлашни кўзда тутган. Ҳолбуки, бу тамойилга таснифдаги “фикрни далиллаш йўллари” сифатида гуруҳланган санъатлар (*ҳусни таълил*, *тамсил*, *ирсоли масал*, *тасдир*)гина мос келади. Қолганлари структурасига кўра (контраст санъати, стилистик мутаносиблик), тил сатҳлари бўйича (синтактик-стилистик усуллар), шеър унсури билан боғлиқ (қофия билан алоқадор санъатлар)лиги жиҳатидан туркумланган.

Шеърий санъатларни таснифлашга киришишда, биринчидан, зотий ва оризий гўзалликларни фарқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун илми бадеъга оид манбаларни қиёсий-танқидий аспектда синчиклаб ўрганиш, таърифларда ихтилоф бўлган ҳолларга алоҳида эътибор билан қараш лозим. Иккинчидан, алоҳида санъатнинг бир кўриниши сифатида ажратилган навълар ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди. Масалан, *тажнис*нинг санъат эканлигига ҳеч бир эътироз бўлиши мумкин эмасдек. Лекин, бизнингча, бундай қараш асосан *тажнис* *томм* ва қисман *тажнис* *мураккаб*га нисбатангина тўғри бўлади. Негаки, *тажнис*ни санъат санашга асос бўлувчи нарса бир хил шакл ва талаффуздаги сўзларнинг турли маъно ифодаланиши экан, *тажнис*нинг *тажнис* *музаййал*(*зоил*), *тажнис* *ноқис*, *тажнис* *хатт* каби навълари тилда мавжуд пароним, омофон, омограф сўзлардан шунчаки фойдаланиш, холос. Яъни уларда санъат ҳодисаси мавжуд эмас. Ниҳоят, яна бир муҳим муаммо илми бадеъга оид манбаларда “санъат” тушунчаси “нутқ беағи”дан анча кенг қамровли эканлиги билан боғлиқдир. Аслида ифода усуллари ҳисобланган *каломиъ жомийъ*, *таъриз*, *тадриж*, *нидо*, *таажжуб*, *таманнийъ*, *истифҳом*, *амр ва наҳий*, *саволу жавоб*, *тажрид*, *фаҳрия* кабилар манбаларда маънавий санъат сифатида талқин қилинади. Бу ҳол эса таснифларда чалкашликни янада кучайтиради,

<sup>1</sup> Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983. – Б. 106-107

<sup>2</sup> Кўрсатилган асар. – Б. 107.

<sup>3</sup> Улуқов Н., Баятова Д. Бобур шеърлятида лисоний такрор билан боғлиқ шеърий санъатлар // Тил ва адабиёт таълими, 2000. – № 6; Шарипова М. Ҳарфий санъатлар хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. – № 3.

“санъат” тушунчасининг камров кўлами ва кўлланиш доирасини мавҳумот даражасида кенгайтириб, “санъат” истилоҳи терминга хос аниқликдан мосуво бўлади.

Манбаларда тилнинг турли тасвирий-ифодавий воситалари (синтактик фигуралар, кўчимлар) билан бирга ифода тарзи, шеърнинг композицион қурилиши, ритмик-интонацион тарҳи, нутқ талаблари ва одоби билан боғлиқ тушунчалар ҳам “санъат” сифатида талқин қилингани санъатларни ягона бир тамойил асосида таснифлаш имконини чеклаб қўяди.

Биз санъатларни юзага келиш асоси нуктаи назаридан таснифладик:

1. Такрор асосидаги санъатлар: *тажнис, иштиқоқ, радд (қайтариш), тарду акс, тардид, тааттуф, мукаррар, такрир, раддул матлаъ, таржиъ.*

2. Зидлаш асосидаги санъатлар: *тазод (мутобақа), муқобала.*

3. Ўхшатиш асосидаги санъатлар: *ташбиҳ, тамсил, талмиҳ, ирсолу-л-масал, лафф ва наир.*

4. Мажоз асосидаги санъатлар: *истиора, киноя, таиҳис, интоқ.*

5. Оҳангдошлик (қофиядошлик) асосидаги санъатлар: *тарсиъ, сажъ, мумосала, таитир, тажзия, тасриъ, таириъ, эънот, тазмини муздаваж, тавсим.*

6. Матнлараро алоқа асосидаги санъатлар: *иқтибос, тазмин.*

7. Услубий мутаносиблик асосидаги санъатлар: *жамъ, тафриқ, тақсим, жамъу тафриқ, жамъу тақсим, таносуб.*

8. Белгини кучайтириш асосидаги санъатлар: *муболага (таблиғ, игроқ, гулув), тафрит, ийғол, такмил, тажрид.*

9. Закиёна ифода асосидаги санъатлар: *мутаазил, тавжих, ийҳом (таврия), таъкиду-л-мадҳ бимо йаишбаху-з-зам, таъкиду-з-зам бимо йаишбаху-л-мадҳ, истиботъ, идмож, таълиқ, ҳазлун муроду биҳи-л-жидд, таҳаккум.*

10. Ифода усуллари асосидаги санъатлар: *муламмаъ, тажшоҳулу ориф, мазҳаби каломий, ҳусни таълил, тафриъ, тазйил, татмим, ружуъ, иститрод, тафсир, илтифот, улуби-и ҳаким, қавл би-л-мужиб, таъриз, таажжуб, истифҳом, саволу жавоб, нидо.*

11. Шакл ўйинлари асосидаги санъатлар: *тавиҳ, талаввун, тарофуқ, мақру-л-луғатайн, мураббаъ, муъаққад, мудаввар, мушажжар, муаммо.*

12. Ёзув асосидаги санъатлар: *тажниси хат, қалб, муқаттаъ, мувассал, рақто, хайфо, жомиъу-л-ҳуруф, ҳазф.*

Албатта, бу тасниф мукамаллик даъво қилмайди, унда баҳсли ўринлар бўлиши мумкин. Иккинчидан, уларни бошқа тамойилга кўра таснифлаш ҳам мумкин. Учунчидан, таснифлашнинг ўзи мақсад эмас, тасниф санъатларни тизим ҳолида ўрганиш учун бир восита, холос. Яъни танланган мавзунини ўрганиш учун бизга шундай таснифлаш мақбул кўринди.

**“Шеърини санъатлар тизимида ўхшатишнинг ўрни”** номли иккинчи бобда ўхшатишга поэтик образлилик тамали сифатида қараб, унинг бадиий ифода имкониятлари ўрганилди. Аристотель “яхши метафоралар кашф этиш

истеъдоднинг асосий белгиси”<sup>1</sup> дейди. Ё.Исҳоқов *ўхшатиш* шеърий санъат тушунчасидан кенг, “классик шеъриятнинг қон-қонига сингиб, унинг зарурий элементига айланиб кетган”<sup>2</sup> ини<sup>2</sup> эътироф этган. Таснифимизда ўхшатиш асосидаги санъатларни алоҳида гуруҳга ажратган бўлсак-да, ўхшатиш бошқа гуруҳлардаги қатор санъатларнинг эстетик қиммат касб этишида ҳам муҳим восита бўлиб қолаверади. Архаик инсон нарса-ҳодисаларга ўзи каби фикрлайдиган, ҳис қиладиган мавжудот деб қараган. Шунга кўра, мажоз асосидаги *ташхис*, *интоқ* кабилар энг қадимий санъатлардир. Кейинроқ ўхшаётган икки нарсадан бирини атаб, иккинчисини тушуниш орқали *истиора* пайдо бўлди. *Ўхшатиш*нинг инсон тафаккури тараққиётининг турли босқичларидаги кўринишлари бўлган *ташхис*, *интоқ*, *ташбиҳ* ва *истиора* бир илдиздан келиб чиққан. Уларнинг юзага чиқиш механизми бир хил, генетик жиҳатдан ўхшатишга бориб тақалади. Ҳусайний “истиора улдурким, ясоқ ва ирода этилган маъно орасиндаги алоқа ўхшашликтур” дея, фақат ўхшатиш асосидаги кўчимни *истиора* деб билади ва *ташбиҳ*, *истиора*, *ташхис* ва *интоқ*нинг ўхшатиш асосига қурилганини айтади. Ё.Исҳоқов *ташхис* “рамзий ўхшашликка асосланиши”ни, А.Ҳожихмедов эса, “*ташхис* санъати *ташбиҳ* учун асос” эканини таъкидлайди. Бир қарашда мазкур иккала фикр ҳам асослидек. Аслида масалага тарихий (диахрония) аспектда қараганда *ўхшатиш* *ташхис*нинг асоси, эътибор ҳозирги ҳолат билан чегаралаб олинса (синхрония), *ташхис* *ўхшатиш*нинг асосидир. *Ташхис* ўзида образли тафаккур изларини сақлайди ва бадий шартлиликка асосланувчи усул, образ сифатида қабул қилинади. Шундай даражаланиш поэтик *истиора*да ҳам кузатилади. Мумтоз шеъриятда кенг қўлланувчи кўп *истиоралар* образли ифода бўлса-да, бундай *истиора*га ўқувчи кўникади ва улардан олинажак завқ суғлашади. Буни ишда Навоий байтларида қўлланган “лаби жонбахш” ва “лаъли жонбахш” бирикмаларини эстетик функциялари жиҳатидан қиёслаш орқали кўрсатиб берилди.

*Муболагани* лоф (ёки ёлғон)дан санъат мақомига кўтарадиган нарса ҳам *ўхшатиш*дир. Заминада ўхшатиш амали борлиги учун *муболага* образлилик касб этади. Баъзан ўхшатиш объектининг ўзи ифодага *муболагавийлик* бағишлайди. Эстетик таъсир кучи сусайиб боргани учун ўқувчи *муболагали* қиёсга ҳам кўникади, кўникилган нарса эса завқ бермайди. *Муболаганинг* оригиналликка интилиши шоирни янгича қиёс, образли ифода излашга ундайди. Ўз вақтида Хоразмий “белнинг қил” қиёси биланок қутилган бадий-эстетик самарага эришган, кейингилар учун бу камлик қилади. Атоий шундан туртки олиб, *муболагани* Хоразмийга нисбатан бир баҳя кўтарган: “*Қилни икки ёрмишу қилмиш азалда бир қалам. Белингиз тасвирини қилганда наққошим, бегим*”. Иккала тасвир поэтик ифода нуқтаи назаридан узвий алоқада. Бунинг бир-бирига боғлиқ икки асосини кўрсатиш лозим: 1) *бел* – *қил* қиёси бадий тафаккурда Атоийгача пайдо бўлган ва бадий хотира мулкига айланиб улгурган; 2) ижоднинг ҳамиша оригиналликка интилиши. *Муболага* образли ифодага таянсагина

<sup>1</sup> Аристотель. Поэтика. – Т., 1980. – Б. 47.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

бадий-эстетик қиммат касб этади. Ўхшатиш амали *муболаға*даги лофни бадий ҳақиқатга айлантиради.

Одатда, байтдаги санъат қандай юзага чиқиши ўқувчини кизиқтирмайди, чунки у ғазални буни билиш учун ўқимайди, мақсад – завқ олиш. Мутолаа жараёнида ўқувчи онгида турли фикрий амаллар кечади, унинг бадий хотираси, ижодий тасаввур имконлари тўла сафарбар этилган бўлади. Акс ҳолда, шеърни ҳис қилиш, ундан завқ олиш имконсиздир. Навоийнинг: “*Найлаб ул товуспайкарни тилай кулбамгаким, Чуғз қўнмас, дам-бадам емрилгудек вайрона деб*”, байтини ўқиган ўқувчи табиий ҳолда “товус”ни “ёр” маъносида қабул қилиб, “товус” ва “кулба” *тазод* ҳосил қилганини англайди. Ўқувчи онгида кечувчи фикрий амаллар алгоритми шундай: 1. “Товус – ёр” ўхшатишида қиёс объектидан бири тушиб, *истиора* юзага келади; 2. “Товус – кулба” *тазоди*. Одатда, товус – қошонада боқилади ва алоқадорлик асосида онгимизда уйғонган “қошона, қаср” тушунчалари “кулба” билан зидланади. 3. “Товус – чуғз” *тазоди*. Товус онгимизда қошонаю қасрлар билан, чуғз (бойқуш) вайрона билан боғлиқ тушунилади. 4. “Кулба – вайрона” *тазоди* фақат шу байт доирасида юзага келади, кулбанинг ғариб аҳволда экани шу орқали *муболағали* тасвирланади. Саналган амаллар ўқувчи онгида чақин тезлигида амалга ошиб, яхлит тасаввур ҳосил қилиб, кечинмаларни ҳис қилишга имкон беради.

Хуллас, ўхшатиш шеърдаги образли ифоданинг жавҳари – ядроси. Ўхшатиш атрофида турли санъатлар уюшиб, яхлит ҳолда образли ифодани юзага чиқаради. Образли ифода замиридаги ўхшатиш доим ҳам кўзга ташланмайди, кўпинча ўхшатиш объекти матн ташқарисида қолади. Махсус воситасиз ядрони кўриб бўлмаганидек, махсус йўналтирилган таҳлилсиз образли ифода асосидаги ўхшатиш доим ҳам кўринмайди.

Шоирнинг ўз “мен”ини ифодалаш эҳтиёжи сабаб турли ифода усуллари яратилади ва шеърятнинг ифода имкониятлари бойиб боради. Ифода усуллари ҳамيشа маънавий санъатлар билан уйғун ҳолда юзага келади ва шу уйғунлик боис бадий-эстетик қиммат касб этади. *Тажоҳули ориф* мисолида ифода шакли билан мазмун уйғунлиги, бунинг эстетик аҳамиятини яққол кузатиш мумкин. Манбаларда *тажоҳули ориф*га берилган таърифларда унинг ифода усули билан боғлиқлиги, асосий белгиси фикрни сўроқ шаклида ифодалаш экани, ҳосил бўлишида асос *ўхшатиши* эканлиги таъкидланади. Билиб билмасликка олишдан мақсад ёр васфи, ошиқ ҳолати кабиларни баён этиш бўлиб, бунга яширин ўхшатиш ё муболағали тасвир орқали эришилади. Ўхшатишнинг борлиги ифодани “умикан ё бумикан?” қолипида қуришга, ўзини билмаганга солишга имкон беради.

Айрим шеърини санъатлар бир-бирига ўхшаш ва улар кўпроқ қоришиқ ҳолда намоён бўлгани учун кўпинча чалкаштириб юборилади. Жумладан, “Хусни таълил санъати” китобида: “Алишер Навоий қаламига мансуб: “*Бевафолик тонг эмас элдинки, деҳқони азал. Экмади асло вафо нахли жаҳон бўстонида*” байтига диққат қилсак, одамларнинг бевафолигини таъкидлаётган шоир ўз фикрини бу олам бўстонида вафо кўчатлари экилмагани билан

ғайритабий тарзда ифодалаётганини кўрамыз”,<sup>1</sup> – дейилган. Чиндан, байтда одамлардаги бевафоликнинг сабаби изоҳланмоқда, лекин бу *хусни таълил* эмас. Чунки бунда ғайритабий сабаб кўрсатилмаяпти, аксинча, Навоий учун бу айни ҳақиқий сабаб. Шоир одамзод фитратида бевафолик илдизлари бор деб билади, шуни ўзгачароқ тарзда ифодалайди, холос. Иккинчидан, ифода структураси байтда *тафсир* қўлланганини кўрсатади. Чунки шоир “элдин бевафолик кўриш ҳеч ажабланарли эмас”, деган ҳукмни изҳор этгач, шу фикрни изоҳлаш зарурати сабаб уни *тафсир* қилмоқда. Демак, шунчаки билмасликка олиш ёки сўроқлар беришнинг ўзи санъат эмас, унга эстетик қиммат бераётган нарса ўхшатишдир. Яъни байтда образлиликни *ўхшатиш* таъминлайди, унинг асосида яратилган образ ифода конструкциясига эстетик жозиба бағишлайди. Таҳлиллар мазкур китобда мисол қилинган кўплаб байтлар асли *тафриъ* намунаси эканини кўрсатди. Олим *тафриъ*га алоҳида санъат ўлароқ қарамагани сабаб юқоридаги ҳол келиб чиққан.

Замондош олимлар шоир тасвир жараёнида ўзининг олдинги фикрлари (иборалар, образлар)дан воз кечиб, “янги образ ва ибораларни келтиради” (Ё.Исҳоқов); “унга қараганда кучлироқ ифода, шеърий санъатни келтиради ёки аввалги фикрни аниқлаштиради, тўлдиради” (А.Ҳожиаҳмедов); “ундан ҳам юксакроқ сифат мақтовини манзур этади” (В.Раҳмонов) деб таърифлаган *ружув* ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Аввало, мазкур таърифлар эски манбалардаги таърифларга нисбатан мукаммал, *ружув*ни назарий жиҳатдан аниқ тавсифлайди. Фикрнинг схематик тарзда синтактик қолипга солингани эмас, ифода усули образлилик билан уйғунлашгани учун *ружув* санъатга айланади. Шеъриятда *ружув* “соф ҳолда” учрамайди, доим бошқа санъатлар билан бирга келади. Масалан, Муниснинг: “*Сабо таҳрикидин, йўқ, балки оғзинг шармидин бошин Қуйи солмоққа мойил бўлғусидур ҳар замон гунча*” байтида бешта санъат (*ружув*, *ташхис*, *ўхшатиш*, *муболага* ва *хусни таълил*) иштирокида яхлит образли ифода юзага чиққан. Ифода тарзига кўра, байтда *ружув* етакчи, яъни бошқа санъатлар *ружув* воситасида яхлитлик касб этмоқда. Айни пайтда, ифода тарзига жон бағишлаётган образлилик *ўхшатиш* асосига қурилган бўлиб, ўхшатиш фикрий амали бунда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мулоҳазаларимиз юқоридаги ифода усуллари *ўхшатиш* билан қўшилибгина эстетик қиммат касб этишини назарда тутган ҳолда уларни қайтадан назарий тавсифлаш ва алоҳида гуруҳлаш кераклигини кўрсатди.

Мумтоз шеъриятимизда образли тафаккурнинг ўзагини ўхшатиш фикрий амали ташкил қилиб, у бадий тафаккурнинг асосий механизми сифатида намоён бўлади. Қадим аждодларнинг асосий тафаккур шакли бўлган ўхшатиш ўзининг кейинги ҳаётини шеърият соҳасида давом эттирди. Мумтоз шеъриятимизда образ яратишга хизмат қилган бадий воситаларнинг аксарияти ўхшатиш асосида юзага чиқади. Шунга кўра, ўхшатиш бадий санъатлар тизимида марказий ўринни эгаллайди. Хусусан, *муболага*, *тазод* сингари санъатлар аксар ҳолларда ўхшатиш орқали амалга ошгани учун

<sup>1</sup> Ҳожиаҳмедов А. Ҳусни таълил санъати. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 90.

бадий-эстетик қиммат касб этади. Мумтоз шеърятда бадий тафаккурнинг ўхшатиш принципига асосланиши, ифоданинг кўпроқ истиоравий характерда эканлиги бадий тилдан фойдаланишда анъана ва янгиликнинг узвий алоқадорлигини таъминлайди. Шу алоқа туфайли конкрет шеърдаги образли ифода бадий хотирага, ўзидан илгари яратилган образларга таянган ҳолда реаллашади.

**“Ўхшатиш асосидаги санъатларнинг структуравий ва функционал хусусиятлари”** 3-бобда ўрганилди. *Ташбиҳ* дастлаб беш турга бўлинган, Ватвот илми бадеъда унинг етти тури (*ташбиҳи мутлақ, ташбиҳи маирут, ташбиҳи киноя, ташбиҳи тасвия, ташбиҳи акс, ташбиҳи измор, ташбиҳи тафзил*) борлигини айтади (Б.130), “Ал-мўъжам” ва “Бадойиъу-с-санойиъ”да ҳам етти тури кўрсатилади (Б.212). Ё.Исҳоқов: “Мумтоз поэтикага доир асарлар орасида ташбиҳнинг хиллари масаласида ҳамда уларнинг номланишида тафовут мавжуд” (Б.86) дея тўққизта турни қайд этса, А.Ҳожиаҳмедов санаган турлар Ватвотга айнан мос, В.Раҳмонов *ташбиҳи тасвия* ўрнига *ташбиҳи мусалсални* қайд этган. *Ташбиҳ* турларини ажратишда яқдиллик йўқлигига сабаб “бир қатор илмий асарларда ташбиҳ турли аспектда тасниф қилинади” (Ё.Исҳоқов). Биз таснифларни тартиблаш мақсадида илк бор ўхшатилаётган нарсалар табиатига кўра икки турни ажратдик: 1. Ташбиҳи ҳақиқий. 2. Ташбиҳи мажозий. Ватвотга кўра, биринчидан, тескари (яъни мушаббаҳ биҳни мушаббаҳга) ўхшатилганда ҳам қиммати ўзгармайдиган *ташбиҳ* яхшироқ, иккинчидан, нарсани асли йўқ, тасаввур ва хаёлда мавжуд нарсага ўхшатиш маъқул эмас. Маълумки, нутққа нисбатан аниқлик тушунчаси нисбий. Чунки ўтмиш кишиси учун аталиши важҳидан мавҳум тушунча кейингиларга аниқ бўлиши мумкин. Бадий тафаккур доим ривожланишда, у образли тафаккур маҳсули билан бойиб боради.

*Ташбиҳ* манбаларда кўпроқ структурасига кўра турларга ажратилган. Маълумки, *ташбиҳ* тўрт унсур: *мушаббаҳ, мушаббаҳ биҳ, одоти ташбиҳ, важҳи шабиҳ*дан таркиб топади. Фикрий амал сифатида *ташбиҳ*да бу унсурлар ҳамиша бор, бироқ нутқий ифодада улар доим акс этмайди. Айни ҳол *ташбиҳ-и мутлақ, ташбиҳи киноят, ташбиҳи мўъкад, ташбиҳи изморни* ажратиш имконини беради. А.Ҳожиаҳмедов: “Ҳамма жузви мавжуд бўлган ўхшатиш”ни *ташбиҳи муфассал* дейди (Б.15). Бироқ уни юқоридаги санокқа киритмадик. Чунки, гарчи “ҳамма жузви” дейилса-да, бу тасниф фақат *важҳи шабиҳ* иштирокига кўра амалга ошмоқда. Аввало, *важҳи шабиҳ* кўпинча нутқда ифода этилмайди, бироқ тафаккурда доим мавжуд, усиз ўхшатиш бўлмайди. Иккинчидан, *важҳи шабиҳ* нутқда акс этса, *ташбиҳ* эстетик кучини йўқотади. *Ташбиҳ*ни структура жиҳатдан таснифлашда гарчи тўрт унсур ҳақида гапирсак-да, аслида юқоридаги тўрт тур уч унсур иштирокига кўра ажратилади. В.Раҳмонов *ташбиҳи мутлаққа* Бобурнинг “*Сарвдек қадди фироқида фиғонимдур баланд, Гул киби рухсори ҳажрида ёшимдур лолагун*”, байтини мисол қилиб, тўрт унсурни кўрсатгани учун шу нарса *ташбиҳи мутлақ*нинг шарти деган хулоса чиқиб қолган. Аслида *ташбиҳи мутлақ*да *мушаббаҳ, мушаббаҳ биҳ* ва *одоти ташбиҳ* бўлиши талаб этилади, холос.

Табийки, каломда *одоти ташбиҳ* бўлса, у бир-бирига ўхшатилаётган икки нарса бўлишини тақозо этади, бунда *одоти ташбиҳ* структура белгиловчи мавқега эга. Шу боис Ҳусайний “ўхшашликка далолат қилувчи лафз”га урғу беради. *Ташбиҳи киноят*нинг таърифлари фарқланса-да, моҳиятан яқин. “Мушаббаҳни мушаббаҳ биҳ лафзи била” баён этадиган бу тур *истиора*дан фарқланмагани боис Ҳусайний “истиора билан ташбиҳ-и киноя орасидаги фарқ зоҳир эмастур”(220) дейди. Демак, поэтик тафаккурда *истиора* салмоғи ортгани ва поэтика илмининг бугунги ҳолатидан келиб чиқиб, *ташбиҳи киноят*ни ажратишга зарурат йўқ. *Ташбиҳи измор* ҳам яширин ўхшатиш, унда *одоти ташбиҳ* ва *важҳи шабиҳ* иштирок этмайди. Бизнингча, *ташбиҳи измор*да ҳақиқий мақсад ўхшатиш эмас. У *таажжуб*, *тажжохули ориф*, *тафсири* кабиларни юзага чиқарувчи восита. Уларга келтирилган мисоллар ҳам *ташбиҳи измор*га мос. Демак, *ташбиҳи измор*ни ўхшатиш тури санаш шартмас: воситани ҳам, натижани ҳам алоҳида санъат санаш тўғри бўлмайди.

Атоуллоҳ Ҳусайний “ул андоғдурким, бир нимани бир нимага ўхшатурлар дағи аксин қилиб ва иккинчисин биринчисига ўхшатурлар” (Б.215) дея таърифлаган *ташбиҳи акс* ҳам ифода усули билан боғлиқ бўлиб, таъриф ва мисолларда у *тарди акс*дан фарқланмаган. *Ташбиҳи акс*нинг тавсифига аниқлик киритиш, таърифда *мушаббаҳ* ва *мушаббаҳ биҳ* ўрин алмашиши билан бирга *важҳи шабиҳ* ўзгаришини ҳам шарт қилиб қўйиш керак.

Демак, *ташбиҳ* турларини структура жиҳатдан таснифлаш бу борада ҳар хилликларга барҳам бериб, масалани ойдинлаштиради. Муайян принцип асосида таснифлаш *ташбиҳ* турларини бир-биридан аниқ фарқлаб берувчи назарий тавсифга асос бўлиб, таърифнинг аниқлиги мумтоз шеърийят бадииятини илмий ўрганишда ҳам, таълимда ҳам ижобий самара беради.

